Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 124 (4522).
3 июнь 1981 й.
ЧОРШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ— БЕШ ЙИЛЛИККА

ЁҒОЧ ЎРНИГА—ПЛАСТМАССА

Шаҳримиздаги экспериментал чолғу асбоблари фабрикасида рубоблар корпусини тайёрлашда қиммат баҳо румин буки ўрнига пластмассадан фойдаланишди. Бу материалдан тайёрланган дастлабки экспериментал намуналар Тошкент Давлат консерваторияси мутахассислари томонидан синаб кўрилди. Овози жиҳатидан асбоблар анъанавий материалдан тайёрланганларидан фарқ қилмади. Янги буюмга юксак баҳо берилди.

Ҳозир фабрикада 32 номда буюм ишлаб чиқариляпти. Шундан тўртта буюмда давлат Сифат белгиси бор. Корхонада кўп меҳнат талаб этадиган жараёнларни механизациялаштириш ва шига катта эътибор берилянти. Жумладан, чолғу асбобининг грифини ишловдан чиқаришда механизациянинг жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилянти.

Ўн биринчи беш йиллик мобайнида корхонада маҳсулот ассортименти анча кенгаяди. Коллектив қардош республикалар халқларининг бир қатор чолғу асбобларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни планлаштирган.



Тошкент асбобсозлик заводининг станокчиси Ҳикмат Имомов «Ўн бешлар ташаббусини биринчилар қатори қўллаб-қувватлаб, ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилди. Унинг шу кунлардаги меҳнат ғайрати ўз сўзининг устидан чиқишидан далолат бермоқда.

В. Сироткин фотоси.

1176 ЎҚУВЧИ УЧУН

Пойтахтимизнинг Юнусобод массиви тўқиз қаватли уй-жой комплекслари ҳамда маданий маиший объектлар, янги мактаблар ва болалар боғчалари билан янада гўзаллашиб бормоқда. Айниқса массивнинг А-1 микрорайони киёфасида кейинги йилларда катта ўзгаришлар бўлди. Тез орада бу ерда қурилиб фойдаланишга топириладиган 1176 ўринли янги мактаб комплекси массив аҳолиси фарзандлари учун ажойиб совға бўлади.

Бу ерда иш олиб бораётган Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 4-трест 18-бошқармасининг бунёдкорлар коллективи қурилиш ишларини намунали ташкил этиш ҳисобига мактаб қурилишини жадаллаштиришга муваффақ бўлишмоқда. Объектга бинокорлик материаллари, оралиқ деворлар, колонна ва ригеллар пайдар-пай келиб турибди. Шунинг учун ҳам қурувчилар бинонинг барча қаватларида монтаж ишларини тезроқ тугаллаб, пардозчиларга ўз пайтида иш фронти яратиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Қурувчилар мактаб биносини янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топиришга аҳд қилишган.

115-ТОШКЕНТ-ЛЕНИН САЙЛОВ ОКРУГИДАН СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

АХБОРОТИ

Округ сайлов комиссияси 115-Тошкент-Ленин сайлов округидан СССР Олий Советига 1981 йил 31 майда бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисида олинган маълумотларни 1981 йил 31 май куни кўриб чиқди.

Комиссия 167 та сайлов участкасининг ҳаммасида сайлов СССР Конституциясининг ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонунининг талабларига тамомила мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлади.

Сайлов учун тузилган сайловчилар рўйхатига 359086 киши киритилган эди. Овоз беришда 359085 сайловчи ёки уларнинг 99,99 проценти қатнашди.

115-Тошкент-Ленин сайлов округидан СССР Олий Советига Миллатлар Советига депутатлигига номзодни ёқлаб 359022 сайловчи овоз берди, бу эса 99,98 процентни ташкил қилади. Сайловчи номзодга қарши овоз берди. Шундай қилиб, 115-Тошкент-Ленин сайлов округидан СССР Олий Советига Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 167 та сайлов участкасининг ҳаммасида депутатликка номзод қилиб овозга қўйилган киши мутлақ кўпчилик овоз олди ва депутат қилиб сайланди.

115-Тошкент-Ленин сайлов округидан СССР Олий Советига Миллатлар Советига бўлиб ўтган сайловларнинг якунлари ва номзоднинг СССР давлат ҳокимияти олий органига якдиллик билан сайланганлиги партия билан халқ монолит бирлигининг, меҳнаткашлар КПСС билан Совет давлати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни тўла равишда қўллаб-қувватлаганлигининг янги ёрқин далилидир.

115-Тошкент-Ленин сайлов округидан СССР Олий Советига Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси.

26-КРАСНОАРМЕЙСК САЙЛОВ ОКРУГИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

АХБОРОТИ

Округ сайлов комиссияси 26-Красноармейск сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига 1981 йил 31 майда бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисида олинган маълумотларни 1981 йил 31 май куни кўриб чиқди.

Комиссия 9 та сайлов участкасининг ҳаммасида сайлов Ўзбекистон ССР Конституциясининг ва Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонунининг талабларига тамомила мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлади. Сайлов учун тузилган сайловчилар рўйхатига 17427 киши киритилган эди. Овоз беришда 17427 сайловчи ёки сайловчиларнинг 100 фоизи қатнашди. 26-Красноармейск сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодни ёқлаб 17417 сайловчи овоз берди, бу эса 99,98 процентни ташкил қилади. 10 сайловчи номзодга қарши овоз берди. Шундай қилиб, 26-Красноармейск сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 9 та сайлов участкасининг ҳаммасида депутатликка номзод қилиб овозга қўйилган киши мутлақ кўпчилик овоз олди ва депутат қилиб сайланди.

26-Красноармейск сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига бўлиб ўтган сайлов якунлари ва номзоднинг Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти Олий органига якдиллик билан сайланганлиги — партия билан халқ монолит бирлигининг, меҳнаткашлар КПСС билан Совет давлати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни тўла равишда қўллаб-қувватлаганлигининг янги ёрқин далилидир.

26-Красноармейск сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 2 июнь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Кремлда космоснинг довюрак забткорлари — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Л. И. Попов билан Руминия Социалистик Республикасининг граждани, тадқиқотчи-космонавт Думитру Прунариуга Совет Иттифоқининг юксак мукофотларини топширди. Леонид Иванович Поповга Ленин ордени ва иккинчи «Олтин Юлдуз» медали, Думитру Прунариуга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени билан «Олтин Юлдуз» медали топширилди.

Мукофотларни топшириш вақтида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

● Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Болгария Халқ Республикаси ташқи ишлар министри П. Младенов Совет ҳукуматининг таклифига биноан 1 июнда дўстлик визити билан Москвага келди.

● «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ҳамда «Алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонунлари эълон қилинган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН ОБЛАСТЬ, ШАҲАР, РАЙОНЛАРНИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР КОЛЛЕКТИВЛАРИНИ, АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ, ФАН ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ШУҲРАТИ КИТОБИГА ЁЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганликлари, 1980 йилда ва ўнинчи беш йилликда иқтисодий ҳамда социал ривожланиш давлат планини муваффақиятли бажарганликлари, маданият, фан ва техника соҳасида жуда катта ютуқларни қўлга киритганликлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Меҳнат шуҳрати китобига ёзилсин:

I. Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент областлари.

II. Жиззах, Наманган, Тошкент. Урганч шаҳарлари.

III. Бўз, Бувайда, Бўка, Ғиждувон, Дўстлик, Ильич, Калинин, Косонсой, Катта-қўрғон, Ленин йўли, Хива, Шаҳрисабз, Элликқалъа районлари.

IV. Коллективлар (дипломлар топшириш шарти билан):

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН:

Октябрь Революцияси орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Е. Ворошилов номидаги Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи.

Тошкентдаги 4-дон маҳсулотлари комбинати.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг «Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент шаҳри.

«Ўзэлектромонтаж» тресті, Тошкент шаҳри.

«Сельтрансспецстрой» трести, Тошкент шаҳри.

Главташкентстройнинг «Ҳурмат белгиси» орденли Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг марказлаштирилган тартибда юк ташувчи Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш автотрести.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг «Гордорстройремонт» трести.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Биоорганик химия институти, Тошкент шаҳри.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти.

V. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, маданият, фан ва техника арбоблари (гувоҳнома бериш шарти билан):

Орипов Исмоил Холматович — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати —1-йирик панелли уйсозлик заводи бетончиларининг бригадири.

Ҳамид Ғулом (Ҳамид Убайдуллаевич Ғуломов) — СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Мўйдинов Маҳмуд — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, К. Е. Ворошилов номли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг пайвандчиси.

ЗАВОД МАРКАСИНИНГ ШУҲРАТИ УЧУН

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШ СОҲАСИДА ЗЎР ҒАЙРАТ БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРИШ КЕРАК

2 июнь куни Тошкентда саноат, савдо ва маиший хизмат ходимларининг республика кенгаши бўлди. Кенгашда область, шаҳар, район партия комитетларининг масъул ходимлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари раисларининг саноат масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, давлат комитетлари, министрликлар ва идоралар, бирлашмалар ва саноат, савдо, маиший хизмат корхоналарининг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари, республика партия активи қатнашди.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш сўзи билан очди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС XXVI съезди қарорлари асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш ва давлат стандартларига риоя қилиш соҳасида республика партия, совет ва хўжалик органларининг вазифаларини кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков бу ҳақда доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский, Узсовпроф секретари Х. В. Нўъмонов, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери В. Н. Журавлев, Ўзбекистон ССР енгил саноат министрининг биринчи ўринбосари Э. А. Таймазов, Ўзбекистон ССР савдо министри М. Х. Хасанов, Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Хўжаева, Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри А. И. Бродова, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов, Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Х. Қодирова, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Қ. Қобулов қатнашдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар таъкидлаб ўтганидек, ҳозирги босқичда яхши сифатли саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни таъминлаш проблемаси социалистик иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири сифатида жуда катта аҳамият касб этади. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида бундай деди: «Жаҳондаги ва Ватанимиздаги энг яхши намуналарга мос келмаган бошқа ҳеч қандай кўрсаткич билан биз келиша олмаймиз ва келишмаслигимиз керак. Эскирган, орқада қолган, ҳаётнинг ўзи қадрсиз қилиб қўйган ҳамма нарсани қатъиян улоқтириб ташлаб, ўзимизни ана шунга ўргатишимиз, ана шунга эришишимиз лозим». Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш коллективлари ана шу йўл-йўриққа амал қилиб, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида юқори сифатли буюмлар ҳиссасини оширишга, уларнинг хилларини кўпайтиришга интилмоқдалар. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси, Тошкент агрегат заводи, Самарқанд «Гелион» заводи, Марғилон «Атлас» бирлашмаси ва бошқа илғор корхоналар бу соҳада намуна кўрсатмоқдалар. Бундай коллективлар буюмларнинг 1500 хилини — қишлоқ хўжалик машиналари ва пахта тозалаш ускуналари, газлама ва пойабзал, идиш ва кийим-кечак, цемент ва мебель, ўғит ва трансформаторларни ҳамда бошқа кўп маҳсулотларни юқори сифат категориясида ишлаб чиқаришни таъминламоқдалар. Шу йилнинг бошидан буён олий сифат категориясидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилмоқда, бундай маҳсулотлар ўтган йилдагига нисбатан 15 процент ортди.

Аммо республикада ишлаб чиқарилаётган кўп буюмларнинг техника даражаси ва сифати ҳозирги талабларга жавоб бермаяпти, Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳиссаси эса Бутуниттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан паст. Пахтачилик учун мўлжалланган бир қанча машиналар, пахта тозалаш техникаси айрим турларидаги конструктив нуқсонлар ва уларнинг пишиқ, пухта эмаслиги жиддий ташвиш туғдиради. Магазинларга етказиб берилаётган неча ўнлаб хилма-хил моллар тегишли нусха ва эталонларга мос эмаслиги меҳнаткашларнинг ҳақли равишда норозилик билдиришига сабаб бўлмоқда. Омборларда ўтмас моллар уюлиб ётибди, маҳсулотлардан бир қисмининг нархини қамайтириш ёки ҳатто брак қилиб жўнатишга тўғри келади. Бундай фактлар Енгил саноат министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, Гўштсут саноати министрлиги, «Ўзбекбирлашув», Маҳаллий саноат министрлиги ва бошқа министрликларнинг ва идораларнинг корхоналарида учраб туради.

Кенгашда партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари олдига маҳсулот сифатини ошириш вазифалари қўйилди. Давлат стандартларига ва техника шартларига қаттиқ риоя қилишишига нисбатан юксак талабчанлик бўлиши керак, ҳар бир меҳнаткашни фабрика маркасининг шуҳрати учун масъулиятни сезиш руҳида тарбиялаш зарур. Сифат масалалари партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, барча хўжалик раҳбарларининг доим диққат марказида туриши лозим.

Нотиқлар корхоналарда ҳам, бутун-бутун тармоқларда ҳам сифат назоратининг комплекс системаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш маҳсулот сифатини оширишнинг негизи эканлигини таъкидладилар. Бундан мақсад — шу беш йиллиннинг ўзидаёқ СССР Давлат стандарти ёрдами билан уларни ягона республика системасига жалб этишдир. Нотиқлар мавжуд резервларни очиб бердилар. Бу резервларни сафарбар қилиш маҳсулот сифатини дадил ва самарали назорат қилиб туриш имкониятини туғдиради. Республикада метрология хизматини такомиллаштириш, янги буюмларнинг лойиҳаларида илғор сифат кўрсаткичларига замин тайёрлаш, ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун тақдим этиладиган янги механизм ва машиналар системасини анча яхшилаш, бирлашмаларда ишлаб чиқаришни тобора мустаҳкамлаш ва концентрациялаш, шартномада белгиланган интизомга қатиқ риоя қилиш ва бошқа омиллар шундай резервлардандир. Савдо ташкилотлари ўзларига маҳсулот етказиб берувчилар билан ўзаро алоқаларини тубдан яхшилашга қўйишлари, харидорларнинг талабларини чуқур ва самарали ўрганиб чиқишлари керак. Ўзбекистон Давлат стандарти бошқармаси ҳозирги куннинг талабларига мувофиқ равишда ўз ишини тез ва собитқадамлик билан қайта қуриши, стандартларга риоя қилинишиа устидан давлат назорати даражаси ва самарадорлигини ошириши зарур.

Ҳозирги босқичда интизомнинг, тошпирилган иш учун ҳар бир ходимнинг шахсий жавобгарлиги тобора катта роль ўйнайди. Маҳсулотнинг юқори сифати учун, унинг жаҳондаги энг яхши нусҳаларга мос бўлиши учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириш — республикадаги барча партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг бурчидир. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш коллективлари ўз биринчи беш йилликда юқори сифатли буюм ва материаллар ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштирадилар. ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни таъминлайдилар ва бу билан КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонч билдирдилар.

Кенгашда СССР Давлат стандартлар комитетининг раиси В. В. Бойцов сўзга чиқди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ

2 июнь куни Тошкентда республика семинар-кенгаши ўтказилди. Семинар-кенгаш қатнашчилари КПСС XXVI съезди талаблари асосида ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларига ҳуқуқ тарбиясини беришни янада такомиллаштириш вазифаларини муҳокама қилдилар. Ўқитувчилар, юристлар, комсомол ташкилотларининг вакиллари ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ўртасида ҳуқуқ пропагандасини яхшилаш йўлларини, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг ҳунар-техника таълими системасидаги иш тажрибасини ўртоқлашдилар.

(ЎзТАГ).

РЕПОРТАЖ

ЯГОНА ҚУВНОҚЛАР МАСКАНИ

Шаҳримизнинг Ғафур Ғулом номли проспектидан бораётганингизда Чўпонота бекатидан ўтгач, ўнг томонда замонавий кўп қаватли бинолар орасида ямлишил боғ бор. Бу боғ бир вақтлар пионер лагери бўлиб, эндиликда қаровсиз ҳолга келиб қолган эди. Унинг ёнғоқ, олма, ўрик ва бошқа довдарахтлар билан бурканган жамоли бугунги кунда янада очилиб кетди.

Акмал Икромов район комсомол комитетининг ташаббуси билан ўн гектардан иборат ана шу боғни шаҳримизда ягона болалар спорт ороми-ҳига айлантиришга аҳд қилинди. Бу ташаббусни район партия комитети ва район ижроия комитети қўллаб-қувватладилар. Қисқа вақт ичида турли корхона ва ташкилотларнинг яқиндан берган кўмаги билан катта бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Бир неча ҳафтанинг ўзидаёқ қўша-қўша спорт майдончалари ҳозирланди, болалар ўйнайдиган механизмли арғимчоқлар ўрнатилди. Гулзорлар ташкил этилди. Бутун территория панжаралар билан ўралиб, кўркам боғ ҳолига келтирилди. Акмал Икромов районида 50 мингдан знёд ўғил ва қиз бор. Уларнинг дам олиши, спортнинг турли турлари билан шуғулланиши учун бу айни муддао бўлди.

Бунёдкорлик ишларини олиб боришда «Тепломонтаж» трестининг қурилиш-монтаж бошқармаси, Маҳаллий саноат министрлигига қарашли бадиий махсус-технология бюроси, шаҳар маҳаллий саноати бошқармасининг ремонт-қурилиш бошқармаси, 2-автомобиль комбинати, чолғу асбоблари фабрикаси, заргарлик, «Чевар» корхоналари ва қатор олий ўқув юртларининг коллективлари яқиндан ёрдам бердилар.

Куни-кеча боғнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу тадбир болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига бағишланди. Ҳаммаёқ озода ва ораста. Боғнинг ўртасидан кесиб ўтган ариқдан сув шарқираб оқиб турибди. Худди ана шу жойда духовой оркестрнинг музика садолари янграяпти. Район мактабларининг ўқувчилари байрам либосида саф тортишган. Тантанали маросим лентасини Акмал Икромов — район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. К. Камолов қирқади ва йиғилган ота-оналар ва фарзандларни боғга таклиф қилади. Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни ва боғнинг очилишига бағишлаб ўтказилган йиғилишни район партия комитетининг секретари Д. Низомова кириш сўзи билан очди. Район партия комитетининг биринчи секретари Х. К. Камолов партия ва ҳукуматимизнинг бахтиёр авлодга кўрсатаётган ғамхўрлиги ҳақида гапирди. Шундан кейин партия ва меҳнат ветерани А. Белоусов, қаҳрамон она Т. Азизова, Улуғ Ватан уруши ветерани Л. Купенская, район комсомол комитетининг секретари М. Ўрумбосарова сўзга чиқиб, ёш авлодни муборак айём билан табрикладилар.

Боғ ўз фаолиятини бошлади. Ўтказилган турли спорт мусобақалари ҳаммада яхши таассурот қолдирди.

А. ПЎЛАТОВ.

СУРАТЛАРДА: болалар спорт боғида.

М. Нуриддинов фотолари.

Съездда шу ҳақда гапирилган эди

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

Ҳамза райони меҳнаткашлари, коммунистлари КПСС XXVI съезди қарорларини ва материалларини ғоят зўр қизиқиш билан ўрганиб, ана шу асосда иш олиб бормоқдалар. Съезд ҳужжатларида совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан партия ташкилотларининг жанговар ҳаракат программаси белгилаб берилди. Съезд ғояларини ҳар бир коммунист, ҳар бир киши онги ва қалбига сингдириш олдимизда турган муҳим вазифадир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида партия ўқувига муҳим эътиборни қаратди. Айниқса, унинг самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. **«Семинарлар тингловчиларининг сонини ҳаддан ташқари кўпайтиришга маҳлиё бўлмай, ўқишнинг сифатини, аввало коммунистлар ўқувининг сифатини қатъиян яхшилаш керак. Пропагандист кадрларимизни танлаш, тайёрлаш ва уларга ўз вақтида ахборот бериб туришга пухта ёндошмай туриб, бу вазифани ҳал этиб бўлмайди. Ахир пропагандист — партия ўқув системасида асосий сиймо-ку»,** деб таъкидлаган эди у.

Съезднинг идеология иши, партия ўқуви таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш юзасидан кўрсатмаларини бажариш учун район партия комитети кўпгина тадбирлар белгилади. Масалан, съезд материалларини кенг ва чуқур ўрганиш мақсадида сиёсий ва иқтисодий таълим системасида ўқимаётганлар учун қўшимча оммавий-сиёсий мактаблар ташкил этдик. Чунки съезд материалларига бўлган катта қизиқиш шуни тақозо этди. Съезднинг ғоят муҳим ҳужжатлари моҳияти ва мазмунини чуқурроқ очиб бериш учун энг аввало пропагандистнинг ўзи ҳар томонлама тайёргарлик кўрган бўлиши лозим. Шунинг учун сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг барча формаларида г и пропагандистлар учун съезд материаллари юзасидан доимий ишловчи семинар машғулотлари ўтказилди. Уларда таниқли олимлар, лекторлар, съезд делегатлари сўзга чиқдилар.

«Семинарлар, сиёсий мактаблар, университетларнинг қандай бўлиши: улар кўпинча одамлар зериқиб қоладиган, белгиланган соатларгина «ўтказиладиган» жой бўлиб қоладими, ёки бунинг аксича ҳамма ерда жонли партия тафаккури, партия сўзининг ҳақиқий марказлари бўлиб қоладими, бу нарса кўп жиҳатдан пропагандистга боғлиқдир» деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев. Шунинг учун ҳам биз пропагандистларга уларнинг машғулотларни жонли, қизиқарли ўтказишларига ёрдам бериш мақсадида районнинг ўнинчи беш йилликда эришган ютуқлари юзасидан методик ва ахборот материаллари тайёрладик. «Ташсельмаш» заводида, Тошкент қоғоз фабрикаси, енгил металл-конструк ц и я лар заводида, 1- ва 2-уйсозлик комбинатларида, 3-қурилиш трестида ва бошқа корхона, ташкилотларда пропагандистлар съезд материаллари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган Ҳисобот доклади мазмуни ва моҳиятини тингловчиларга жонли, қизиқарли қилиб тушунтириб бердилар.

«Ташсельмаш» заводининг пропагандисти В. Василенко ҳар бир машғулотга пухта тайёргарлик кўради. У «Партия — совет халқининг авангарди» темасида машғулот ўтказар экан, завод коммунистларининг авангардлик ролини ёрқин мисолларда очиб бериш учун ҳам, биз пропагандистларга ўзларининг машғулотларида ёрдам бериш мақсадида районнинг ўнинчи беш йилликда эришган ютуқлари юзасидан методик ва ахборот материаллари тайёрладик. «Ташсельмаш» заводида, Тошкент қоғоз фабрикаси, енгил металл-конструк ц и я лар заводида, 1- ва 2-уйсозлик комбинатларида, 3-қурилиш трестида ва бошқа корхона, ташкилотларда пропагандистлар съезд материаллари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган Ҳисобот доклади мазмуни ва моҳиятини тингловчиларга жонли, қизиқарли қилиб тушунтириб бердилар.

Тепловоз депосининг пропагандисти А. Максаков марксизм-ленинизм асослари мактабида машғулотлар олиб боради. У тингловчиларнинг назарий ўқишга бўлган иштиёқини корхона ҳаётидан конкрет мисоллар кетириб, янада оширишга эришмоқда. У тингловчиларни қизиқтираётган ҳамма саволларга бажонидил жавоб беради. Машғулотларда **съезднинг экономика тежамли бўлиши керак, деган кўрсатмасини ҳар бир тингловчига сингдиришга ҳаракат қилмоқда.** Шунинг учун ҳам иқтисод ва тежамкорлик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Электрэкипаж цехида съезд материалларини ўрганиш жараёнида бригада пудратини жорий этиш масаласи кўтарилди. Цехда бунинг ҳамма жиҳатлари ҳисоб-китоб қилинди. Сўнгра корхона маъмуриятига цехда ишни бригада пудрати усулида ташкил этиш таклифи билан киришди. Депо умумий йиғилишида бу масала кўриб чиқилди ва цехда ишни бригада пудрати усулига ўтказишга қарор қилинди.

Бу районимиз меҳнат коллективларидаги жўшқин сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигидан, пропагандистларн и н г ўз ишларини съезд талаблари даражасига кўтаришга интилаётганлигидан бир неча мисол, холос.

Район пропагандистларининг кўпчилиги москвликл а р н и н г: «Пропагандист н и н г билими, ғоявий эътиқоди, ташкилотчилик таланти— беш йиллик хизматига» ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар, шахсий ижодий план асосида иш олиб боришларига эришмоқдалар.

Районда шахсий ижодий план асосида ишлаш юзасидан «Думалоқ стол атрофида»ги учрашувларда ўзаро иш тажрибаларни алмаштириш одат тусига кириб қолди. Кейинги учрашувлардан бирида Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети назарий семинарининг раҳбари Т. Баҳромов, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси пропагандистлари Д. Безрукова ва А. Пугачева, пахтачилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси, «Ташсельмаш» заводи, пахтачилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси, «САОсельэнерго п р о ект» ва бошқа кўпгина корхона ва муассасалар партия ташкилотлари пропагандистларининг шахсий ижодий план асосида иш олиб боришларига эришмоқдалар.

Пропагандистлар ўн биринчи беш йиллик вазифаларини бажаришни идеологик жиҳатдан таъминлаш, тингловчиларнинг меҳнат ва сиёсий активликларини ошириш юзасидан ўз ишларини янада такомиллаштиришга интилмоқдалар. Бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп, албатта. Район партия комитети пропагандистларнинг ишни янада яхшилаш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини ҳам ҳисобга олаяпти. Пропагандистлар шахсий ижодий планнинг универсаль макет-бланкасини ишлаб чиқиш фикрини илгари суришди. Ундан сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг барча формаларида пропагандистлар самарали фойдаланишлари мумкин.

Район меҳнаткашлари янги беш йилликда ўз зиммаларига катта мажбуриятлар олишган. Район пропагандистлари ва активистлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга, план топшириқларини шак-шубҳасиз адо этишга, илғор тажрибаларни кенг жорий этишга ўзларини даҳлдор деб биладилар, шунинг учун ҳам ўзларига топширилган ишга юксак масъулият ҳисси билан ёндошадилар.

Д. МАДКАРИМОВА,
Ҳамза район партия комитетининг секретари.

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

ИШЧИЛАР ОШХОНАСИДАГИ ЎЗБОШИМЧАЛИКЛАР

«Аҳолининг эҳтиёжларини қондиришда умумий овқатланишнинг роли оширилсин, уни ривожлантиришнинг илдам суръатлари кўзда тутилсин. Тармоқни индустриалштириш даражаси оширилсин... Умумий овқатланиш корхоналарининг тармоғи анча кенгайтирилсин, аҳолига хизмат қилиш маданияти оширилсин. Парҳез-овқат корхоналари тармоғи ривожлантирилсин».
(«СССРни иқтисодий ва социал риво жлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжал ланган Асосий йўналишлари»дан).

Биз ишчилар, унумли меҳнат қилиш билан бирга кўнгилдагидек озқатланишни ҳам яхши кўрамиз. Лекин бизга ишлаётган корхоналарда тушки овқатимизни тезда, иштаҳа билан ейиш учун барча шароитлар етарли эмас. Комплекс овқатлар яхши ташкил этилмаган. Кўпинча бир хил овқат тайёрланади. Парҳез таомли бўлимлар ҳам шу куннинг талабига тўла жавоб бермайди. Ошхоналарда сут, қатиқ, бодиринг, редиска, кўк пиёз каби қўшатлар йўқ. Нега шундай? Нима сабабдан ишчиларнинг тушки овқатини ранг-баранг қилиш ва уларнинг кўнгилдагидек тамадди қилишлари учун барча шароитлар яратилмайди.

З. Юсупов, А. Иўлдошева, В. Любишин, Т. Каримов ва бошқалар.

БУ ҚАНДАЙ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК?

— Кел, биз билан ўтиракол, ҳали стол устидаги бўш идишларни йиғиштириб олишгунча анча кутишингга тўғри келади,— деди шоферлардан бири ҳамкасбини кўтариб турган иссиқ овқатига ишора қилиб.

Акмал Икромов районидаги 2- такси комбинатига жойлашган ошхонага киришимиз билан шоферларнинг ўзаро бир-бирларига қилаётган ана шундай илтифотларини эшитдик. Атрофни кўздан кечирамиз. 120 хўрандага мўлжалланган бу ошхонадаги столларнинг ярмига яқини бўш идишлар билан тўлиб ётарди. Шоферлар қўлларига кўтариб олган овқатлари билан идиш-товоқлардан тозаланган столларни қидиришардик.

— Нега шундай, — сўраймиз ошпаз Ш. Шокаримовдан.

— Ҳозир йиғиштириб олишади. Шунга ҳам отагўғи—қозихонами?

Бугун қандай овқатлар тайёрланганини билиш мақсадида менюни кўздан кечирамиз. Рамкага солиб қўйилган менюнинг числоси йўқ. Лекин ранг-баранг овқатларнинг номи менюда кўрсатилган.

— Буниси доимий осиғлиқ турадигани,— дейишди шоферлар. Ҳар кунгиси мана буёқда.

— Тўғрисини айтиш керак, бу ерда кўпинча бир хил овқатлар тайёрланади. Менюда кўрсатилган овқатларнинг баъзилари умуман бўлмайди, —дейди слесарь Б. Шапавалов.— Қани бу овқатлар, деб сўрасангиз, ҳозир тамом бўлувди, деб қўя қолишади.

Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, 2-такси комбинатидаги ошхонада ишчиларга намунали хизмат кўрсатиш учун ҳеч қандай ғамхўрлик кўрсатилмаётир. Наҳотки, бир соатлик тушки овқатни кўнгилдагидек ўтказиш шунчалик қийин бўлса.

Акмал Икромов районидаги 3-ошхона (директори А. Шукуров) бир йўла иккки йирик корхонага хизмат кўрсатади. Бири сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмасига, иккинчиси булка-кондитер комбинатига. Сут маҳсулоти тайёрловчилар соат 12 дан 30 минут ўтгунга қадар овқатланишса, булка-кондитер комбинати ишчилари 12.30 да овқатга чиқишади. Хўш, бу ерда ишчиларга тушки овқатни кўнгилдагидек тамадди қилишлари учун қандай шароитлар яратилган? Аввалам бор шуни айтиш керакки, ошхонада ҳеч қандай қўшатлардан салатлар тайёрланмаган. Бўзчи белбоққа ёлчимас, деганларидек, ошхона сут, қатиқ каби маҳсулотлар тайёрлаётган комбинат ишчиларига хизмат кўрсатишига қарамасдан, бу ерда ҳатто бир стакан сут тополмайсиз.

— Сут, қатиқ, қаймоқ, творогларнинг нега йўқ?, —деган саволимизга, бригадир-ошпаз З. Акбаров, — сут комбинатдагилар сут ичишмайди, деган баҳонани рўкач қилди.

Балки шундайдир. Бирлашма ишчиларидан ярим соат кейин тушки овқатга чиқадиган булка-кондитер комбинати ишчиларида нима айб? Наҳотки улар мазали сут, творог, қатиқни ичишни хоҳлашмаса?

Бу ошхонадаги яна бир муаммолардан бири бир корхона ишчилари тушки овқатни еб чиқиб кетишга улгурмасдан иккинчи ишхонадагиларнинг кириб келишидир. Ярим соатлик қисқа тушки овқат пайтида кўпчилик столлар тозаланмаган, баъзи столларда эса ишчилар ҳали овқатланиб бўлишга улгуришмаган бўлишади. Бригадир-ошпаз З. Акбаровдан бундай ноқулайлик сабабини сўраганимизда, корхона раҳбарлари шунга қарор қилишганини рўкач қилди.

Бизнингча, бундай вақтда айбни бошқаларга қўйишга шошилмасдан, оқилона иш юритишга, яъни иккала корхонанинг ишчиларига ҳам намунали хизмат кўрсатиш йўлларини топишга, уларнинг беҳуда туриб қолишларига чек қўйишга, инсон саломатлиги учун зарур бўлган кўкат ва сут-қатиқларнинг ошхонада ҳамиша бўлишига эришиш зарур.

НЕГА ҚАРОРНИ БУЗИШАДИ?

Ҳамза район ошхоналар трестига қарашли 1-«Дорожное» кафеси (директори Л. Швейцова) Куйбишев шоссесига жойлашган. Тушлик овқат пайтида бу ер хўрандалар билан жуда гавжум бўлади. Тошкент товар станциясининг ишчилари ва маҳсулот олгани келган шоферларнинг кўпчилиги ана шу ерда тамадди қилишади. Ошхонада буфет бўлиб, бу ерда ичкиликларнинг ҳар хил турларидан бор. Ташқарида эса пиво.

— Баъзилар иккита стакан вино ёки икки кружка пиво билан ўтириб олишади-да соатлаб жойни банд қилишади, —дейди хўрандалардан А. Сотиболдиев.

Биз кафега кирганимизда хўрандаларнинг ўзлари ифлос пидниларни тозалашиб, қўлида овқат билан ўтиришга жой қидиришарди. Бу кафедаги тартибсизликларнинг асосий сабабларидан бири буфетда ҳар хил ичимликларнинг сотилишидир. Шуни яна бир бор эслатиб ўтмоқчимизки, СССР Министрлар Советининг 1972 йил 16 майдаги «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ошхона директори, қолаверса Ҳамза район ошхоналар трести раҳбарлари томонидан кўпол равишда бузилмоқда. Фақат бу ердаги буфетни йўқ қилиш билангина кафеда хўрандаларга намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мумкин.

Тошкент тепловоз депосининг минглаб ишчиларига Ҳамза районидаги 4-ошхона (директори Л. Чучиренко) хизмат кўрсатади. Бу ерда ҳам корхона ишчиларига намунали хизмат кўрсатиляпти деб бўлмайди. Чунки 240 ўринли ошхонада тарелка етишмайди. Натижада ишчилар овқат олиш учун бўш тарелкаларни кутиб туришади.

— Овқат сузиб беришга тарелкамиз етишмайди, — дейди ошхонанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи А. Гаврилова.

Помидор, бодринг, қарамдан тайёрланган салатларни тарқатиш столига қўйилмаганлигини ҳам ошхонадагилар тарелка етишмаслигига йўйишиб, «Ким сўраса ўшанга берамиз» деган важни кўрсатишди. Ваҳоланки, биз ошхонага кирганимизда ўндан ортиқ стол устида ишчилар томонидан қолдирилган ва уюлиб ётган юзга яқин бўш тарелкаларни кўрдик. Наҳотки шу идишларни тезда йиғиштириш ва ювиб тарқатиш мумкин бўлмаса?

Бу ерда ҳам менюда кўрсатилган баъзи таомлар тайёрланмаган.

Ёг-мой комбинатининг ишчилари уларга хизмат кўрсатаётган 3-ошхонада (директори М. Тошмуҳамедов) ҳеч қандай миллий таомлар тайёрланмаслиги ҳақида шикоят қилишди. Биз бу ерда бўлиб, бригадир-ошпаз Е. Эрматов билан суҳбатлашганимизда ҳақиқатан ҳам миллий таомлар тайёрланмаслигини тан олди. Корхонадаги 115 ўринли ошхона ҳар куни 300 дан ортиқ ишчига хизмат кўрсатади. Лекин бу ерда комплекс овқатлар тайёрланмайди. Ишчиларнинг бир неча бор илтимос қилишларига қарамасдан бу ерда ош, лағмон каби миллий таомлар тайёрлаш ҳалигача йўлга қўйилмаган.

Текширишлар шуни кўрсатдики, ҳар бир ишчи тушки овқат пайтида асабийлашмасдан, иштаҳа билан овқат ейишни истайди. Ваҳоланки, кўпгина ошхоналарда улар учун қулайликлар яратилмаётир. Овқат олиш учун 5—10 минутлаб туриб қолиш, жой қидириш, сут, қатиқ, қўшатларнинг камлиги, комплекс, парҳез овқатларнинг ҳар доим ҳам бўлавермаслиги уларни ранжитмоқда.

Шаҳар умумий овқатланиш бошқармаси раҳбарлари ишчи ошхоналаридаги бундай тартибсизликларга чек қўйиши керак, ошхоналарнинг ишчиларга намунали хизмат кўрсатишини йўлга қўйиш, улар учун барча қулайликларни яратиш, ўзбошимчалик қилиб, меню-даги бор овқатларни тайёрламайдиган раҳбарларга чора кўришлари лозим. Бу ўринда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг КПСС XXVI съездида қилган Ҳисобот докладидаги қуйидаги сўзлар ўринлидир: «Конкрет инсон ҳақида унинг эҳтиёж ва талаблари ҳақида амалда гамхўрлик қилиш партия иқтисодий сиёсатининг бош ва пировард мақсадидир. Мен бунга яна эслатиб ўтаётганимнинг боиси шундаки, оддий, лекин жуда муҳим бир фикрни такрор таъкидламоқчиман: аҳоли учун моллар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш — биринчи даражали партиявий ишдир. Бу масалага худди ана шундай ёндошмоқ керак».

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Мастер Валентина Игонина 26 йилдан буён Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасида меҳнат қилиб келади. Ана шу йиллар мобайнида у кўплаб ёшларга касб эгаллашда яқиндан ёрдам берди.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори В. Игонина ўз шогирди Дилфуза Ҳамидова билан. Устознинг ёрдами туфайли Д. Ҳамидова ҳозир смена топшириқларини муваффақиятли бажармоқда.

ҚУРИЛИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Янги уйсозлик комбинати

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да **«Уйсозлик, заводсозлик комбинатлари... янада ривожлантирилсин ва техника билан қайта жиҳозлаш таъминлансин, уларнинг қувватидан тўлиқроқ фойдаланилсин. Уй-жой қурилишнинг умумий ҳажмида йирик панелли ва катта ҳажмдаги блокли уй-жойлар қуриш салмоғи оширилсин»,** деб кўрсатилган эди. КПСС XXVI съезди белгиланган бу режаларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш мақсадида пойтахтимиздаги Тошкент қурилиш Бош бошқармаси системасида янги уйсозлик комбинати ташкил этилди.

Уй-жой қурилиш трестининг 4-йирик панелли уйсозлик заводи базасида тузилган янги 4-уйсозлик комбинати асосан «148» серияли тўққиз қаватли янги типдаги уй-жойлар қуришга ихтисослашган.

— Комбинатимиз шу кунларда ҳамшаҳарларимизга жуда манзур бўладиган тўққиз қаватли шундай уй-жойларни дастлаб Юнусобод массивида қура бошлади, —дейди комбинат бошлиғининг ўринбосари Б. Розиқов. — Бу уй-жой биносини сентябрь ойида фойдаланишга топширишга ахд қилганмиз.

Янги комбинат барпо эта бошлаган ана шу дастлабки уй-жой комплекси атрофида шу типдаги бошқа биноларга ҳам пойдевор қўйиляпти. Бу янги уйлар замонавий уйсозлик индустрияси эришган энг сўнгги ютуқлар асосида лойиҳаланган бўлиб, қатор қулайликларга эга. Бу уйларни қуришни ва уларнинг биноқорлик материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун 4-йирик панелли уйсозлик заводи бунёдкорлари кенг кўламда созлаш-ишга туширишни ишларини амалга оширишди. Бу йил янги комбинат базасидаги завод 40 минг квадрат метрга яқин янги серияли уйларнинг биноқорлик материалларини ишлаб чиқаради.

Ҳозир завод қувватларини ишга туширишнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланиш бўйича кенг миқёсда ташкилий-технология тадбирлари амалга оширилмоқда. Тез орада комбинат базасидаги завод йилига 42 минг куб метрдан кўпроқ йирма темир-бетон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Амалга оширилаётган бу тадбирлар КПСС XXVI съезди томонидан белгиланган уй-жой қурилиши бўйича улкан программани муваффақиятли амалга ошириш имконини беради.

Жаҳон ойнаси

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

БЕРЛИН. Биттерфельддаги (Галле округи) химия комбинатининг ходимлари ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш юзасидан Совет Иттифоқидаги ҳамкасбларининг илғор тажрибасидан омилкорлик билан фойдаландилар. Улар илғор методни жорий этиб, жумладан тетрахлорал —енгил саноатда кенг қўлланиладиган модда ишлаб чиқаришни талайгина оширишга эришдилар. Янги технология туфайли бу йил комбинатда шундай модда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баравар кўпайди.

— СССРнинг, бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланиш ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда салмоқли натижаларга эришишимизга ва унинг суръатларини изчиллик билан кучайтириб боришимизга имкон беради,—дейди комбинатнинг бош директори Г. Шварц. — Чуночи ўтган йили корхона топшириқа қўшимча равишда олти кунликдан кўпроқ ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқарди, бунда хом ашё билан энергия кўзда тутилганига қараганда камроқ сарфланди.

Совет Иттифоқидаги шериклар билан қалин ҳамкорлик тармоқнинг кўпгина корхоналарида юксак натижаларга эришиш имконини бермоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН

ПРАГА. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ЧССРнинг қишлоқ хўжалигида банд бўлган ходимлари сони ҳозирги ўн йиллик охирига бориб, яна 300 минг кишига камаяди. Ишлаб чиқариш даражасини пасайтирмаслик ва уни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалигини янада интенсивлаш ва тўла механизациялаш зарур. Шу мақсадда мамлакатда механизаторлар ва барча касбдаги ишчилар тайёрланадиган ўқув-ишлаб чиқариш базаси кенгайтирилмоқда. Беш йиллик охирига бориб қишлоқ хўжалигида банд бўлган барча ходимларнинг 50 проценти янги ихтисосларга эга бўлади. Ҳар йили 300 минг киши илғор меҳнат методлари кооператив мактабларига ва механизаторлар курсларига қатнамоқда.

САВОДЛИЛАР КЎПАЙМОҚДА

АММОН. Иордания мактабларида битирув имтиҳонлари бошланди. Бу йил ўқувчилардан ўттиз етти минг киши етуклик гувоҳномасини олади.

Аҳолиси 2 миллион 200 минг кишидан иборат бўлган Иорданияда мамлакатдаги мактабларга жами ярим миллиондан кўп бола қатнайди. Иккита университет, ўттизта техникум ва ҳунар техника билим юртида 50 мингдан зиёд студент таълим олмоқда. Саводсизликни тугатиш курсларига эса 100 мингдан кўпроқ тингловчи қатнамоқда. Иорданияда жами 700 мингдан зиёд киши ўқимоқда.

Қишлоқ меҳнаткашлари манфаатини кўзлаб

ДЕҲЛИ. Имтиёзли қарз системаси юзасидан қишлоқ меҳнаткашларига молиявий ёрдамни кўпайтириш — Ҳиндистон давлат банклари олдида турган ҳозирги, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг (1980—1985 йиллар) олтинчи беш йиллик планида ўртага қўйилган энг муҳим вазифалардан биридир.

Ҳиндистон молия министрининг ўринбосари бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида айтишича, ҳукумат батрак, кам ерли ва ерсиз деҳқонлардан иборат қишлоқ аҳолисининг иқтисодий жиҳатдан энг қолоқ бўлган қисмидаги вакилларига узоқ муддатли имтиёзли қарзларни анча кўпайтиришни мўлжалламоқда. 1983 йилга бориб ажратилган барча қарзларнинг ярми батраклар, кам ерли ва ерсиз деҳқонлар зиммасига тўғри келади.

Ҳозирги вақтда Ҳиндистон жами аҳолисининг қарийб 80 проценти истиқомат қилаётган қишлоқ жойларида давлат молия муассасаларининг учдан икки қисми ишлаб турибди. Бу муассасалар уй-жой қурилиши, ер участкалари, қишлоқ хўжалик инвентарлари, уй ҳайвонлари, уруғликлар, ўғитлар сотиб олиш учун қарзлар беради. Бунинг натижасида Ҳиндистон деҳқонларига асрлар бўйи жабр-зулм қилиб келган судхўрлар қишлоқлардан сиқиб чиқарилмоқда.

АМАЗОНКА ЧАНГАЛЗОРЛАРИДА

БРАЗИЛИА. Замонавий техника билан қуролланган юзлаб кишилар Шарқий Амазонка чангалзорларида Сьерра-Нова шаҳридан Пара штатигача йўл қурмоқдалар. Шарқи-жанубий йўналишдаги Атлантика океани соҳилларидан бошлаб қарийб 1000 километрли темир йўл магистрали қурила бошланди.

Бразилия тропик ўрмонлар билан қопланган Сьерра-дус-Каражас тоғидаги фойдали қазилмаларнинг жуда катта запасларини ўзлаштириш борасида дастлабки ишларни амалга оширмоқда. Биринчи марта берилган баҳолар га кўра, тоғ массиви бағрида 18 миллиард тонна темир рудаси бор. Бу эса ер шарида очилган энг катта конлардан биридир. Геологларнинг тасдиқлашича, Сьерра-дус-Каражас тоғида мис рудаси, марганец, никель; боксит ва бошқа фойдали қазилмалар, шу жумладан олтиннинг жуда кўп запаслари ҳам бор.

Бразилияда Амазонканинг шарқий қисмидаги табиий бойликларни ўзлаштириш программасини «Каражас лойиҳаси» деб атайдиларки, бу программа олдида жуда катта қийинчиликлар турибди. Ўзлаштирилмаган бу район ҳамма вақт мамлакатда энг қолоқ ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам бу ерда деярли ҳамма ишни бошидан бошлашга тўғри келмоқда. Автомобиль йўли ва темир йўл магистралидан ташқари, қудратли ГЭС ва аэропортлар, электр линиялари, завод ва фабрикалар қурилиши лозим.

Бразилия экономистларининг ҳисоблашларича «Каражас» лойиҳасининг реализация қилиниши Бразилияни иқтисодий ривожлантиришда, уни ва бошқа мамлакатларни қимматли ҳом ашё билан таъминлашда янги омил бўлади.

Ю. БЕСПАЛЬКО.

ИНҚИРОЗНИНГ РЕКОРД ДАРАЖАСИ

БОННГ. Мамлакат экономикасини қамраб олган иқтисодий тушкунлик натижасида шу йилнинг февраль ойида ГФРда 943 та фирма ва корхона хонавайрон бўлган. ГФР статистика бошқармасининг хабар беришича, бу урушдан кейинги бутун даар мобайнидаги рекорд даражадир. Қурилиш саноатида айниқса кўплаб инқироз бўлганлиги қайд этилди. Унда 1980 йил февраль ойига нисбатан 42,6 процент кўп корхона синган.

ВЕТЕРАНЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Фарҳод кўчасидаги 14-автотурист магазини ҳамиша гавжум бўлади. Бу ерда автотуризм учун керакли бўлган барча нарсани харид қилиш мумкин. Магазин коллективи Улуғ Ватан уруши ветеранларига хизмат қилишни айниқса яхши йўлга қўйган. Бу ерда автомобиллар учун керакли қисмлар уруш инвалидларининг уйига элтиб берилади, ветеранлар махсус рўйхатда туришади. Магазиннинг тўрт филиали бўлиб, улар шаҳримизнинг турли чеккаларида жойлашган. Бу эса автомобиль ҳаваскорлари учун қулайлик туғдирмоқда. Магазин коллективи ярим йиллик планни аллақачон ортиғи билан бажарди.

— Биз харидорларга, айниқса, Улуғ Ватан урушининг иштирокчиларига намунали хизмат қилишни биринчи галдаги вазифамиз деб биламиз, —дейди директор Омон Юнусов. —Бундан кейин ҳам харидорларга беминнат хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

∴ ∴ ∴

СУРАТДА: [чапдан ўнгга] 14-автотурист магазинининг илғор ходимларидан С. Одилов, Ҳ. Яҳёев ва Ш. Аъзамхожиев янги машиналарни рўйхатдан ўтказмоқда.

Х. Мирзакаримов фотолари.

Саломатлик ҳақида сухбатлар

ШИФОКОР ҚАБУЛИДА

УЗОҚ ЯШАШ СИРЛАРИ

Ҳурматли редакция! Маълумки, баъзи кишилар овқатланиш режимига, жисмоний чиниқишга риоя қилишмайди. Натижада ошқозон-ичак йўллари касалига чалинишади. Кундалик овқатда режимга, меъёрга, жисмоний чиниқишга қандай аҳамият бериш керак? Овқат сифати ва фойдаси нимада? Шулар ҳақида маслаҳат берсангиз.

Т. Ҳидоятов, М. Акрамов, З. Нурнева, В. Одилов, Н. Қурбонова— қурувчилар.

Инсон овқат билан тирик. Албатта сифатли, тотли, кўнгилли, иштаҳабоп овқатларни ейиш одамга куч-қувват, яхши кайфият ва узоқ умр бағишлайди. Лекин ҳар нарсанинг ўз меъёри бор. Биз ниманики меъёридан оширсак, фойдаси эмас, зиёнини кўрамиз.

Ўз вақтида ва иштаҳа билан овқатланиш саломатликнинг энг муҳим, зарур шарти ҳисобланади. Овқат рационининг состави нотўғри тузилса, организм чидамлилиги осгасийши мумкин. Айниқса, овқатланиш вақтига қатъий амал қилиш лозим. Баъзи соғлом ва бемор одамлар борки, оч-наҳор ишга кетадилар, аксинча, баъзи кишилар эрталаб тўйиб нонушта қилиб, кун бўйи овқатланмасдан юрадилар. Бундай овқатланиш режими ҳам организмнинг умумий ҳолатига, асаб системасига зарар келтириши турган гап.

Овқатни ўз вақтида ейиш шартли рефлекс бўлишига ёрдам беради, бу эса ўз навбатида, ферментга бой бўлган меъда ширасининг ажралишига олиб келади. Умуман ҳар куни уч-тўрт марта овқатланиш лозим. Тушки ва кечки овқат ўртасидаги вақт олти-етти соатдан ошмаслиги керак. Кечки овқатни ётишдан иккиуч соат олдин ейиш керак. Чунки истеъмол қилинган овқатнинг асосий қисми ичакка ўтади. Агар бундай қилинмаса, меъдадаги овқат асаб системасини қўзғатиши туфайли кормал уйқу бузилади. Ётишдан олдин бир стакан қатиқ ёки сут ичиш жуда фойдали бўлади.

Оддий тартибда овқатланган вақтда эрталабки нонуштада қабул қилинадиган овқат 30 процентни, тушлик 50 процентни ва кечки овқат 20 процентни ташкил қилиши керак. Ўрта Осиё шароитида ёз пайтларида овқат калориясининг кўп қисмини эрталабки нонушта ва кечқурунги хўрак ташкил қилиши зарур. Агар уч маҳал овқатланилса, эрталабки нонуштада суткалик калориянинг 40 процентини, тушки ва кечки овқат 55 процентини ташкил қилиши керак.

Ёзнинг иссиқ кунларида ейиладиган овқат ва меваларни тўғри танлаш лозим, овқатларнинг режимига қатъий эътибор бериш керак. Юқори ҳароратда модда алмашинуви кучайиши билан оқсил алмашинуви ошиши мумкин.

Одам терлаган вақтда тери орқали натрий хлорид ва сувда эрийдиган витаминларни йўқотади. Шунинг учун кўк чой, мевадан қилинган ва десерт ичимликлар, минерал сувлар чанқоқни босиши мумкин. Бундан бошқа яна қуритилган мевалардан қайнатмалар, айниқса олча қайнатмаси чанқоқни яхши босади.

Овқат еган пайтда шошилиш, ўқиш, кўп гапириш мумкин эмас. Хотиржамлик билан овқатланиш лозим. Яхши чайналмаган овқат меъдада туриб қолиб, зўр бериб шира ажралишига олиб маҳсулотлар, илитилган тухум, бугда пиширилган овқатлар, ҳалиқ ва сабзавотли овқатлар фойдали ҳисобланади. Атоқли олим-физиолог И. П. Павлов, сут табиат етиштирган овқат навларидан ўзининг бебаҳолиги билан ажралиб туради, деган. Сутда ниҳоятда яхши сингийдиган юқори сифатли оқсил бўлади. Сутда юздан ортиқ озиқ моддаларнинг мавжудлиги уни ўрта ва кекса ёшдаги кишилар овқати учун жуда муҳим маҳсулот деб билишга имкон берди. Ўрта ва кекса ёшдаги кишилар ҳар куни 400 граммга яқин сут (хом ёки пишган ҳолда) ичиши, суткада 200 грамм пишлоқ ва 100—150 грамм сузма ейиши тавсия этилади. Ҳиндларнинг «Қатиқ ич, шундагина узоқ яшайсан» деган мақоли ҳам бежиз айтилмаган.

«Иштаҳа — ҳазм ширасидир», — деган эди И. П. Павлов. Бироқ, иштаҳа маълум вақтларда, овқат ейилгандагина пайдо бўлади ҳамда сақланади. Маълумки, жисмоний иш қилмаганда ва ҳадеб бир хил овқат ейилаверганда иштаҳа йўқолади.

Овқатланаётган жой шароити ҳам катта аҳамиятга эга. Овқатланадиган жой одамнинг баҳри-дилини очадиган, сокин бўлиши керак. Таом янги, сифатли, таъмли, хушбўй ва кўриниши иштаҳа қўзғайдиган бўлиши жуда муҳимдир. Бир ўтиришда ейиладиган овқат жуда кўп бўлмаслиги керак. Муттасил кўп овқат еб юборилса, ошқозон чўзилиб кетиб, жиддий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Ошқозон чўзилиб кетмаслиги учун юқорида айтиб ўтилган қондага қатъий риоя қилиш керак. Бошқача айтганда, меъёрида овқат ейиш лозим.

Соғлиқни сақлаш ва барвақт қариб қолмаслик учун спиртли ичимликларни ичмаслик керак. Алкоголь наркотик заҳардир. Ҳатто жуда кам миқдордаги (80 грамм) алкоголь ҳам 24 соат давомида ўз таъсирини сақлаб, организмни заҳарлаб туради. Алкоголь даставвал бош мия ҳужайраларига таъсир қилади, кейин уларни фалажлайди, юрак ва қонтомир тармоқларини ишдан чиқаради. Юрак фаолияти бузилиб сусаяди ва ўз ишини бошқара олмай қолади. Ҳансираш, юрак уриши, умумий ҳолсизлик, ишш пайдо бўлади. Алкоголь кўпинча ошқозоннинг касалланишига олиб боради, шунингдек ички фаолиятини бузади, бемор тўши остида нохуш оғриқ сезади, жиғилдони қайнайди, кекиришдан азоб чекади, эрталаблари ташна бўлади. Кўпгина ичкиликбозларнинг жигари оғрийди, кейинчалик жигари катталашиб, бўришиб қолади. Спиртли ичимликлар буйракка ҳам ёмон таъсир қилади. Ичувчи кишиларнинг буйраги жигарга ўхшаб олдин шишади, кейин бўшашиб қолади.

Ичишни яхши кўрадиган одамлар ўзларини оқлаш учун, алкоголь одамни соғлом, бақувват қилади, деб хато қиладилар. Муттасил ичкилик ичиш оғир руҳий касаллик — алкоголь психозига сабаб бўлади. Кўпинча алаҳлаш (белая горячка) пайдо бўлади. Беморнинг кўзига вий текширишларда аниқланган. Тамаки тутунида: никотин, ис гази, пиридин асоси, эфир мойи, водород сульфид, карбонат кислота каби зарарли моддалар бор. Углерод, оксид, ис гази, циамид кислота ва пиридин асосларининг қўшилиб таъсир этиши натижасида муҳим физиологик процесс—нафас олиш ишдан чиқади. Тамаки тутуни нафас йўлларини таъсирлайди ва уларнинг сурункали яллиғланишига, шунингдек товуш боғламларининг катарига, бронхлар ва бронхиоллларнинг сурункали яллиғланишига сабаб бўлади.

Шуни ишонч билан айтиш керакки, жисмоний меҳнат, физкультура ва спорт билан шуғулланиш узоқ умр гарови бўла олади. Меҳнат— соғлиқ манбаи ва ҳаёт омилидир. Буюк кишилар ҳаётида бўлиб ўтган ажойиб воқеалар маълум: улар касал бўлишларига қарамай, қунт билан ўзлари севган соҳада меҳнат қилганлар. Бутун умрида бош оғриқ касаллигидан чиқмаган Чарльз Дарвинни эслаш кифоя. Машҳур физиолог Моссо: «Дарвин қирқ йил давомида бирор куни ҳам соғ бўлмаган эди», — деб ёзади. Улуғ рус рассоми Репин бир кўли фалаж бўлиб қолганда, иккинчи кўли билан ишлаган ва умрининг охиригача мольбертни қўлидан қўймаган. Атоқли француз романчиси Эмиль Золя ҳам Дарвин ва Репин каби ўз дардини енгиб, тинмай ижод қилди ва кўпгина асарлар яратди. Жисмоний меҳнат соғлиққа ва умр узайишига бебаҳо таъсир кўрсатади. Абхазиядаги яшовчи узоқ умр кўрган кишиларни текшириш жисмоний меҳнат уларнинг узоқ умр кўришига сабаб бўлган асосий факторлардан бири эканлигини кўрсатади. Меҳнат қилинмаса, ҳеч қандай, ҳатто энг яхши моддий шароит ҳам умрни узайтира олмайди.

Абу Али ибн Сино ўз асарларида инсон соғлиғи учун жисмоний машқларнинг аҳамияти борлигини кўп таъкидлаган. У шундай деб ёзади: «Доимо меъёрида ва ўз вақтида бадан тарбия қилиб юрган одам дарддан қутилиши учун ҳеч қандай дорилармоннинг ҳожати йўқ».

Ҳар бир кекса ўзига хос бадан тарбия қилиши, ҳар куни пиёда сайр этиши, қайиқда эшкак эшиши ҳамда физкультура ва спортнинг баъзи бир бошқа турлари билан шуғулланиши айни муддао бўлади. Врач кекса кишиларнинг ҳар бирига қараб спортнинг чопиш, чанғи ва конькида учиш, туризм каби турлари билан шуғулланишга рухсат бериши мумкин. Кекса одамлар нафасни узоқ тутиб турадиган, шунингдек бирмунча жисмоний зўриқиш, гавдани кескин букиш ва айлантириш билан боғлиқ машқларни қилмасликлари керак. Кексайганда физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланиш қон томирлари склерозининг пайдо бўлишининг олдини олади, модда алмашинувини яхшилайди, нафас мускулларига қувват беради. Физкультура ва спорт жуда қариб қолганда ҳам меҳнат қилиш кобилиятини тўла сақлаб қолишга ёрдам беради.

Биз юқорида айтганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: инсон сифатли овқатланиши, кўнгилли дам олиши, тановул ва меҳнатда меъёрни унутмаслиги, соғлиқнинг душмани — заҳари бўлган тамаки ва ичкилик балосидан ўзини сақлаши лозим.

Н. ҚОСИМОВ,
медицина фанлари кандидати.

● ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ФИН ДРАМАТУРГИ АСАРИ ЎЗБЕК САҲНАСИДА

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида СССРда Финляндия драматургияси фестивалига бағишлаб таниқли фин драматурги ва жамоат арбоби Хелла Вуолийокининг пьесаси саҳналаштирилди. «Нискавуорилик аёллар» асари асосида саҳнага қўйилган бу спектакль «Баланд қоядаги аёллар» деб аталади.

Асарни ўзбек тилига В. Рўзиматов таржима қилган. Уни режиссёр Р. Ҳамидов саҳналаштирди. Рассом У. Саидалиев спектакль мазмунига мос саҳна безаклари яратди.

Спектаклда инсонга хос соф муҳаббат, эркинлик, бахт-саодатга бўлган ташналик қизиқарли драматик сюжет асосида ҳикоя қилинади.

Асосий ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари З. Садриева, Қ. Ҳўжаев, Э. Маликбоева, Р. Иброҳимова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Д. Исмоилова, Т. Тожиев, Л. Бадалова, артистлар Р. Аҳмедова, Э. Комилов, Т. Мўминов, Ш. Турсунбоевалар ижро этишди.

СУРАТДА: Спектаклдан кўриниш. Арне — Э. Комилов, Илона — С. Юнусова.
С. Каган фотоси.

● *Санъат масканларида*

Оркестр наволари

М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг концерт зали одатдагидан гавжум. Бу ерда консерваториянинг ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ҳисобот концерти бермоқда. Бу концерт ёш ижрочилар маҳоратининг ўзига хос имтиҳонидир.

Оркестр тарихига бир назар ташлайлик. Консерваториянинг ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлими 1948 йилда ташкил этилган. Бўлимнинг мустаҳкамланиши ва ривожланишига таниқли санъат арбоби, профессор ва музикашунос А. И. Петросянц катта ҳисса қўшди. 1952—1953 йилларда шу бўлимда дутор, дутор-бас, рубоб-прима, қашқар рубоби, афғон рубоби, чанг, ғижжак ва бошқа асбоблар бўйича алоҳида синфлар очилгач, аста-секин ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри вужудга кела бошлади. 1975 йилда бўлим иккига ажралди. Эндиликда ижрочилик бўлимига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор А. Одилов раҳбарлик қилмоқда. Оркестр дирижёрлиги бўлимига эса доцент А. Ливиев раҳбарлик қилади. Бу бўлимнинг асосий вазифаси юқори малакали оркестр дирижёрлари тайёрлаш, фақат билим юртларидагина эмас, балки болалар музика мактабларида ҳам кўп овозли музикани ривожлантиришга қаратилган.

1974 йилда дирижёрлик бўйича ассистентура очилди. Ўтган йиллар мобайнида уни Ленин комсомоли мукофоти лауреати Т. Собиров, Г. Хўжаев, Ф. Абдурахимова, И. Иброҳимова, И. Холбеков каби ўнлаб ёш истъдодли санъаткорлар муваффақиятли битириб чиқдилар. Ҳозирги пайтда педагоглардан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Ф. Назаров, М. Насимов, доцент вазифасини бажарувчилар Р. Иброҳимов ва А. Давидов, катта ўқитувчи А. Юргаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ф. Содиқов ва бошқалар ўз билим ҳамда тажрибаларини ёшларга қунт билан ўргатмоқдалар.

... Ҳисобот концертини дирижёр Ф. Абдурахимова бошлаб берди. Унинг дирижёрлигидаги композитор Т. Қурбоновнинг Б. Надеждин хотирасига бағишланган «Поэмаси» таъсирчан жаранглади. Шундан кейин 5-курс студенти З. Эргашева Озарбайжон композитори А. Герай асарини рубобда оркестр жўрлигида ижро этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Тоиров ижросидаги ўзбек классик куйларидан «Чўли ироқ», дуторчи қизлар ансамбли ижросидаги куйлар ҳам йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

О. РАИМБОЕВА,
М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси студенти.

ИЛМ МАСКАНЛАРИДА

СЕВИМЛИ ДАРГОҲ

Бу ерни ҳамма ўқувчилар севиб қолишган. Улар бу ажойиб музейда доҳий ҳаёти, революцион фаолияти, унинг фазилатлари билан танишишади. Собир Раҳимов районидаги 28-ўрта мактаб доҳий номи билан аталади. Мактаб коллективи ўқиш-ўқитиш ишларида катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Мактабда доҳий Ленин музейини ташкил этишда ўқитувчилар коллективи ва кўпсонли ўқувчилар қизиқиш билан иш олиб боришди. Мактаб директори, СССР халқ маорифи аълочиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Васила Хўжаева Ленин музейини ташкил этишда педагогик коллектив билан жонбозлик кўрсатди. Улар музейни ташкил қилиш учун Саратов, Куйбишев, Қозон ва бошқа В. И. Ленин бўлган шаҳарлар билан алоқа боғлаб, ёрдам беришларини сўрадилар. Бу ерлардан кўплаб материаллар, ҳужжатлар олинди.

Музейга киришингиз билан В. И. Ленин ташкил этган «Искра» газетасига кўзингиз тушади. Доҳийнинг ҳаёти, болалик йиллари, революцион фаолияти экспонатларда жуда жонли тасвирланган. Айниқса, В. И. Ленининг Разливдаги чайласи меҳр билан ишланган. Стендлар ранг-баранглиги билан диққатни тортади. Доҳий В. И. Ленин бўлган жойлар ва мамлакатни электрлаштириш ҳақидаги карталар, Ленининг ёшлик ва ўсмирлик йиллари, Октябрь революциясининг доҳийси, революция илҳомчиси В. И. Ленининг ГОЭЛРО плани ва бошқа бир қанча стендлар доҳийнинг ҳаётидан ҳикоя қилади.

Музейга В. И. Ленининг бюсти, 1893 йилда доҳийга берилган 114482 номерли Замоскворечье райкомининг партия билети нусхаси қўйилган. Шунингдек музейда доҳий ҳаётига бағишланган 500 дан ортиқ альбомлар бор.

— Музейимиз доим гавжум бўлади, — дейди мактабнинг тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси Зуҳриддин Нуриддинов. — Бу ерга кўплаб чет эллик меҳмонлар, Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан келган қардошлар ташриф буюришди. Шаҳримизнинг кўпгина мактаблари ўқувчилари ҳам музейимизни томоша қилишмоқда. Республика ўқитувчилар малакасини ошириш Марказий институтида ва шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида тақсил олаётган кўплаб педагоглар музейимизни кўздан кечириб, яхши баҳо бердилар. Ҳар йили доҳий туғилган кунида шу музейда мактаб ўқувчилари октябрятга, пионерга, комсомол сафига қабул қилинадилар. Улар доҳий Лениндек бўлишга қасамёд қиладилар. Музейда тарих фанидан В. И. Ленининг ёшлиги ва революцион фаолиятига оид машғулотлар ўтказилади.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. АЪЗАМОВ: Шаҳримизда темир йўл транспортида ишлайдиган касб эгаларини тайёрлайдиган техникум ёки ҳунартехника билим юртлари борми? Шу ҳақда билмоқчи эдим.

Жавоб: Тошкентда темир йўл транспортида ишлайдиган хизматчилар тайёрлайдиган ҳунар масканлари бор. Шундай ўқув юртларидан бири 2-Охунбобоев кўчасидаги 68-уйда жойлашган 170-техника билим юртидир. Бу ерда станция бўйича навбатчилик, кассирлик ихтисослигини ва бошқа касбларни эгаллаш мумкин. Билим юртига 8 ва 10-синф маълумотидаги шахслар қабул қилинадилар. Билим юртини битириб чиққанларнинг ҳаммаси темир йўл транспортида ва метрополитенда иш билан таъминланишади.

* * *

З. РАҲМОНОВА: Маълумки, саёҳатлар мавсуми бошланяпти. Шу боисдан мени Тошкентдаги саёҳат ва экскурсиялар бюроси бу йил саёҳат ишқибозларига қайси маршрутларга боришни таклиф этиши ҳақидаги маълумот қизиқтиради. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Тошкент шаҳар саёҳат ва экскурсиялар бюроси орқали 60 дан зиёд маршрутга путёвкалар сотиб олиш мумкин. Саёҳат ишқибозларини Жанубий Сахалин ва Хабаровск, Олтой, Каспий денгизи, Қора Денгиз курортлари, Ўрта Осиё бўйлаб сафарлар кутмоқда. Днепр бўйлаб теплоходда сайр қилишни ким ҳам ёқтирмайди дейсиз? Туристлар сафарни Украина ССРнинг пойтахти— Киев шаҳридан бошлашади. Уларни Днепр электр станцияларининг каскади билан танишиш. Запорожье, Херсон, Днепропетровск ва бошқа шаҳарлар бўйлаб қилинадиган саёҳатлар кутмоқда. Бундан ташқари бюродан путёвка сотиб олиб, Волга, Байкал бўйлаб сафар қилиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, саёҳат ишқибозларини бу йилги ёз мавсумида жуда ҳам қизиқарли маршрутлар кутмоқда.

* * *

М. ШАРИПОВА: Эшитишимча қараганда, Тошкентда кардиология маркази қурилар экан. Шу тўғрими? Бу марказнинг корпуслари қаерда жойлашади? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: «ГипроНИИздрав»нинг Ўрта Осиё филиали мутахассислари тузган лойиҳага биноан шаҳримизда кардиология марказини бунёд этиш кўзда тутилган. У Дўмбробод массивида, кўкрак хирургияси институти ёнида қурилади. Асосий корпус 13 қаватдан иборат бўлади. Бу ерда 600 кишига мўлжалланган поликлиника, турли-туман даволаш блоклари жойлашади.

Х. ОТАБОЕВ: Айтингчи, шаҳримиздаги Ф. Энгельс номли чет тиллар Давлат педагогика институтининг кечки ва сиртқи бўлимларда қандай ихтисосликни эгалласа бўлади?

Жавоб: Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти шу кезларда кечки ва сиртқи бўлимларга инглиз тили, немис тили, француз тили ихтисослиги бўйича қабул эълон қилган.

Н. ҲИДОЯТОВ: Автомобилларга ўрнатилган радиоприёмникларни қаерда тузаттириш мумкин?

Жавоб: Автомобилларга ўрнатилган радиоаппаратуларни шаҳар ва район «Зангори экран» ателъеларида тузаттирса бўлади. Шу хусусдаги қўшимча маълумотларни бевосита устахоналарнинг ўзидан батафсил билиб олишингиз мумкин.

Сўраган экансиз...

ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Н. ИМОМОВ: Оёқ ва қўл нега музлайди, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Оёқ товонларида ва қўл бармоқларининг совиб қолиш ҳолати қўпинча қон томирларида қоннинг яхши айланмаслиги ҳамда асаб қон томир деворларида бирор ўзгариш бўлиши натижасида келиб чиқиши мумкин. Одатда оёқ ва қўллари совиб қоладиган одамлар танаси жисмоний чиниқмаган ва тез чарчайдиган бўлади. Бундай одамларни бош оғриғи, юракнинг тез уриши, терлаш безовта қилиб, уларда қон босими пастроқ бўлиши мумкин. Шунингдек, юқоридаги белгилар камқонлик хасталигига учраган беморларда, тез жаҳли чиқадиган 25 ёшгача бўлган қизларда ҳам учрайди.

Оёқ ва қўлларнинг тез совиб қолишининг олдини олиш учун нима қилиш керак? Бунда биринчи навбатда мутахассис-врач билан маслаҳатлашиб, даво чораларини қўллаш лозим. Умумий маслаҳат эса қуйидагилардан иборат. Тамаки чекувчилар ўзларини чекишдан тийишлари лозим, Тамаки таркибидаги никотин моддаси оёқ ва қўлдаги қон томирларининг торайишига олиб келади. Ичкилик ҳам шундай таъсир кўрсатади. У аввал томирларни вақтинча кенгайтириб, қисқа муддатли алдамчи иссиқлик беради. Сўнгра эса салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ичкилик ичишдан ҳам воз кечиш керак. Хасталикнинг олдини олишда организмни мунтазам чиниқтириб бориш катта аҳамиятга эга. Кечқурун ётишдан олдин оёқ-қўлларни навбатма-навбат иссиқ ва илиқ сувга солиш лозим. Бунда уч ҳарорати 38—40 ёки 16—20 даражада бўлиб, қўллар тирсаккача, оёқлар тизза бўғингача сувга солинади. Сўнгра яхшилаб артиб, дағал сочиқ билан тери қизаргунча ишқаланади. Ўринга ётганда эса оёққа бир оз каттароқ пайпоқ кийиб ётиш лозим. Пайпоқлар жундан ёки ипдан тайёрланган бўлгани маъқул. Оёқ кийимлари эса лойиқ бўлиб, оёқни сира сиқмайдиган бўлиши керак. Йилнинг совуқ фаслида оёқ-қўлларни совқотишдан сақланг.

***

К. ХАЛИЛОВА, Қ. ПЎЛАТОВА: Сочни тез-тез жингалак қилдириш соч тўкилишига олиб келади, деб эшитдик. Шу гап тўғрими?

Жавоб: Бу кўпинча сочнинг ёғли ёки ёғсиз (қуруқ) бўлишига боғлиқ. Сунъий равишда жингалак қилдирилганда соч қуруқлашиб, синувчан ва тўкиладиган бўлиб қолади. Ёғли сочни йилига икки марта жингалак қилдириш мумкин. Қуруқ сочни яхшиси жингалак қилдирмаслик керак. Агар ҳоҳиш туғилса йилда бир марта жингалак қилдириш мумкин.

***

О. ҲУСАНОВ: Соғлом одам бир сутка давомида қанча суюқлик ичиши керак?

Жавоб: Соғлом одам учун бир суткада тахминан икки ярим литр суюқлик керак. Унда бир литри ичилган чой, шарбат ва сувга киради, ярим литри биринчи суюқ овқат таркибида бўлади, 0,7 литри турли қаттиқ таомлардан танага ўтади, 350 грамм суюқлик эса танада ёғ, мой ва карбон сувлар парчаланишидан ҳосил бўлади.

* * *

М. НАЗИРХЎЖАЕВА: Ёш болаларга янги соғилган хом сутни ичириш мумкинми?

Жавоб: Пакетчаларга солиб қўйилган сутларни катталар ичиши мумкин. Пастерланган ва ҳатто янги соғилган сутларни ҳам болаларга қайнатмай ичириш мумкин эмас. Болаларга сутни албатта қайнатиб ичиринг. Акс ҳолда болангиз меъда-ичак касалликларига чалиниши мумкин.

***

Г. МАНСУРОВА: Грелкага солинган иссиқ сув тез совиб қолмаслиги учун нима қилиш керак?

Жавоб: Бунинг йўли осон: Сувга ярим чой қошиқ ош тузи қўшасиз. Шунда сувнинг иссиқлик ҳарорати анчагача сақланади.

∴ ∴ ∴

М. ЮЛДОШЕВА: Мен 43 ёшдаман. Бирор марта ҳам шифохонада ётганим йўқ. Бир оз семириб кетдим. Мен ўзимни соғлом ҳисобласам бўладими?

Жавоб: СССР Медицина фанлари академиясига қарашли Бутуниттифоқ кардиология илмий марказида семиз, лекин соғлом одамларнинг мингдан ортиғини кўриздан ўтказишганда, улардан баъзиларида юракнинг ишемия касаллиги аниқланди. Шундай экан, сиз ҳам ўзингизни кўриздан ўтказганингиз маъқул.

Жавобларни
Ю. АХРОРОВ ва **Т. РАСУЛЕВ**лар тайёрладилар.

ТЕЛЕЭКРАНДА КАРДИОГРАММА

Ностационар шароитларда бемордан кардиограмма олиш учун энди врачларга бир неча секунд кифоя қилади. Львов радиоэлектрон медицина аппаратлари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ясалган ихчам электрокардиоскоп бу ишда уларга ёрдам беради.

Электрон нур юрак ишини қайд этувчи ўзиёзар автомат ролини бажариб, чоғроқ бир телеэкранда нур чизиқ ҳосил қилади. Прибор уч килограммдан сал оғирроқ бўлиб, аккумулятор батареясидан ток олади. У кўплаб ишлаб чиқарила бошланди.

Бирлашмада шу янги приборларни ишлаб чиқариш билан юрак ҳамда томир касалликларига тез диагноз қўйиш ва уларни даволаш аппаратларининг типовой комплекти яратиб бўлинди. Ҳозир бу ерда врачлар ва олимларнинг пухта кўмакчилари бўлмиш 60 хил медицина приборлари ва аппаратлари ишлаб чиқарилмоқда.

Г. МАЦЕНКО,
ТАСС мухбири.

● *«Пахтакор»нинг рақиблари*

АРМИЯ СПОРТ КЛУБИ (Ростов-Дон)

БУГУН

«Пахтакор» ўз майдон ида Ростов-Дон шаҳрининг Армия спорт клуби билан мамлакат биринчилигининг навбатдаги тур учрашувини ўтказади. «Пахтакор»нинг рақиби билан танишинг.

9 Май, умумхалқ Ғалаба байрами куни ростовлик армиячилар ўз клубларининг тарихига зарҳал сатрларни битишга муваффақ бўлишди. Ростовлик футболчилар Лужникидаги яшил майдонда Москванинг «Спартак» командаси ўйинчилари билан финал учрашувини ўтказишди. Ўзига хос ирода, жанговарлик кўрсатган армиячилар илк марта биллур соврин— СССР Кубогини қўлга киритдилар.

Бу ростовликларнинг финал учрашувида учинчи марта қатнашишлари эди.

Ниҳоят, учинчи марта қилинган ҳаракат самарали бўлди. Бу сафар ҳам армиячилар спартакчилар билан финалда беллашдилар. С. Андреев киритган ягона тўп учрашув тақдирини ростовликлар фойдасига ҳал қилди.

Кубок учрашувларини ҳужумкор руҳда ўтказган АСК командасининг жуда кўп ўйинчиларига СССР спортмастери унвони берилди.

Ростовлик футболчилар СССР биринчилигида энг яхши натижани 1966 йилда қўлга киритишган. Улар ўша йили мавсумни иккинчи ўринда якунлашган. Командага ўшанда РСФСРда хизмат кўрсатган тренер И. Беца устозлик қиларди.

Ростов-Дон шаҳридаги Армия спорт клуби 1938 йилда ташкил қилинган. У 1959 йилдан буён олий лигада қатнашиб, 1960 йилдан бу ён Армия спорт клуби номи билан аталиб келмоқда.

Бу команданинг мамлакатимиздаги энг кучли клублар сафида пайдо бўлиш тарихи жуда қизиқарлидир. Ростовлик футболчилар «Б» класси коллективлари орасида бўлганида мамлакат кубоги баҳсларида қатнашиш имконига эга бўлишди. Бу ёш команда Ереваннинг «Спартак», Бокунинг «Нефтяник», Тбилисининг «Буревестник», Кутаисининг «Локомотив», Краснодарнинг «Нефтяник» командаларини мағлубиятга учратиб, ўз зонасида биринчи ўринни эгаллади. «Б» классининг олти зонаси ғолиблари ўртасида Тбилисида бўлган финал турнирида қатнашиб, бу сафар ҳам ғолибликни қўлга киритди. Айни пайтда армиячилар олий лигада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ростовлик футболчилар эришилган ғалабалар билан чегараланиб қолишмади. Дон соҳили футболчилари олий лигада ҳам анча шовшувга сабаб бўлишди. Дастлаб улар москвалик армиячиларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Кейин улар қатор ғалабаларни қўлга киритиб, олий лигадаги дастлабки мавсумни фахрли тўртинчи ўринда якунлашди.

Йиллар ўтиши билан команданинг олий лигада қўлга киритган совринлари ҳам кўпайди. Жумладан, 1963 йилда Г. Федотов номидаги, 1963 йилда «Йирик ҳисоб учун», 1970 йилда «Ғалабага бўлган иродаси учун» совринларини қўлга киритди. 1963 ва 1965 йилларда клубнинг энг яхши ҳужумчиси О. Копаевга «Труд» газетасининг соврини топширилди.

О. Копаев клубнинг энг мерган ўйинчиси ҳисобланади. У рақибларнинг дарвозасига 119 марта тўп киритган. 1963 йилги мавсумда рақиб командаларининг дарвозабонларини 27 марта доғда қолдирган.

Ростовлик футболчилар 1972 йилги мавсумда охирги ўринни эгаллаб, олий лигани тарк этишга мажбур бўлдилар. Келгуси мавсумда чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсатган ростовлик футболчилар яна олий лигага қайтишди. Бироқ командага четдан жуда кўп ўйинчилар таклиф қилинганлиги туфайли у кучлилар сафида мустаҳкамланиб қололмади.

Ҳамма ишни бошқатдан бошлашга тўғри келди. Командага спорт мастери, хизмат кўрсатган тренер Н. Самарин устоз этиб тайинланди. Худди шу тренер командада жиддий ўзгаришларни бошлаб юборди. У дублерлар составига Ростовдаги спорт-интернат тарбияланувчиларининг катта бир группасини таклиф қилди.

Жиддий ўзгаришларни кейинчалик СССРда хизмат кўрсатган тренер Г. Зонин ва коллективнинг ҳозирги ёш устози машҳур Г. Федотовнинг ўғли Владимир давом эттирди. Ана шундан кейин команда составида келажаги порлоқ бўлган бир неча маҳоратли ўйинчилар пайдо бўлди. Романчук, Гусев, Воробьев, Бостанджон, Айвазян, Пападопуло ана шулар жумласидандир. Команда составига таклиф этилган Андреев, Заваров ва бошқалар команданинг зарбдор кучи бўлиб қолди. Ана шундан кейин команданинг ўйини жонлана бошлади. Ҳужумкор ўйин кўрсатиш, усталик билан ҳимояланиш командага хос бўлиб қолди.

СУРАТДА: тўп учун нураш.
Р. Загратдинов фотоси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 ЮШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

3 ИЮНЬ, 1981 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/VI да **Келинлар кўзголони**, 4/VI да **Кузнинг биринчи куни**, 5/VI да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/VI да **Катта концерт**, 4/VI да — **Тошкентнинг нозанин малиноси**, 5/VI да **Гулсара.**

ЦИРК

Тошкент давлат цирида — 3/VI да **Янги программа — Кулги кечаси.**

КИНО

4 ИЮНДА

Бадиий фильмлар:

«СЕВГИ ФАНТАЗИЯСИ» — **Санъат саройи** (11, 12.45, 14.30, 16.15, 20.00 да, телефон 44-39-51), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда), **Восток** (10.30, 12, 14, 16, 18, 21.30 да, телефон 91-14-61).

«ТЕРГОВ» — **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), **Қозоғистон** (тоқ соатларда).

«ДАМ ОЛУВЧИЛАР ҲАЕТИДАН» — **Искра** (16, 18, 19.45 да, телефон 39-14-59).

«ОРИОН СИРТМОҒИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда),

«ТУНГИ ҲОДИСАЛАР» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

СССР Госстандарти
СТАНДАРТЛАШ, СИФАТНИ БОШҚАРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ ТЎҒРИСИДАГИ РАҲБАРЛАР ВА ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

Бутуниттифоқ институтининг

ТОШКЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра катта ўқитувчилари: метрология, стандартлаш— теплотехник ўлчовлар, экономика ихтисослари бўйича

КОНКУРС МУДДАТИ— 15 ИЮНГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Новополторацкий кўчаси, 6-уй. Телефон 53-05-60.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

«ГУЛИСТОН» РЕСТОРАНИ

Сизга бой ассортиментда миллий таомлар, яхши кайфият ва хушчақчақлиқни гарантиллайди.

Қайтадан безатилган зал ва вестибюль ўзига хос шарқ меъморчилиги колоритини акс эттиради.

АНСАМБЛЬ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА.

Адрес: Тошкент шаҳри, **Калинин номли майдон.**

«ГУЛИСТОН» РЕСТОРАНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
3 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА
олий лиганнинг
АСК (Ростов-Дон) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ОЛМАЛИҚ ПИВО ЗАВОДИГА

аммиакли совутиш қурилмаларидан фойдаланиш бўйича малакали мутахассис

КЕРАК

Турар жой берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Олмалиқ шаҳри, Заводская кўчаси, 5-уй. Телефонлар: код 261

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—1982 ЎҚУВ ЙИЛИГА

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сонли программа билан бошқариладиган станокларда ишлаш учун универсал-токарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, электр пайвандловчи, фрезерчи, электрмонтажчи, металларни совуқ усулда қайта ишлаб қириқиш бўйича универсал-токарь, техника контроли бўлими назоратчиси, счетли-ҳисоблаш машиналари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электромеханик.

Ўқиш муддати — 1 — 3 йил.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР. Ўқиш муддати 3 йиллик группалардаги ўқувчиларга ўрта-ҳунар техника билим юртини битирганлиги тўғрисида диплом берилади.

8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар таълим даврида бепул байрам ва иш кийимлари, 3 маҳал овқат билан таъминланадилар; 10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар ойига 70 сўм миқдорида стипендия (электромонтажчи ва счетли-ҳисоблаш машинкалари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электр механиклардан ташқари) оладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишланган иш ҳақининг 33 процанти тўланади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқи берадиган мажбурий иш стажисиз йўлланма оладилар.

Билим юртида техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик, фототўғараклари, спорт секциялари ишлайди, Чорвоқ поселкаси атрофида ёзги дам олиш зонаси бор.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, характеристика, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома; справкалар: саломатлиги тўғрисида, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан 6 та фотосурат (3х4 см.).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21-автобуснинг «14-билим юрти» бекати; 16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати).

Китобсеварлар диққатига!

«ВОЕННАЯ КНИГА» МАГАЗИНИ

АҲОЛИДАН КИТОБЛАР СОТИБ ОЛАДИ

Қуйидаги бўлимлар бўйича ноёб ва букинистик нашрлар қабул қилинади: **баднии, илмий** (луғатлар, энциклопедиялар, справочниклар), **китобшунослик, адабиётшунослик, ҳарбий мемуарлар, санъат, фольклор ҳамда аҳоли талаби катта бўлган бошқа нашрлар.**

Магазин СССР Министрлар Совети нарх-наво Давлат комитети томонидан тасдиқланган нархга биноан бадиий, болалар ва бошқа адабиётларнинг обуна нашрларини, СССР Маданият министрлиги Бош нашриёти томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича ўқув дарсликларини оширилган нархда харид қилади.

1961—1977 йилларда нашр этилган, харидорлар кўплаб сўрайдиган ҳамда яхши асралган совет ва чет эл бадиий адабиётлари, энциклопедия ва луғат нашрларининг харид баҳоси, каталог-прейскурантларга киритилган китоблар бундан мустасно, нашр баҳосидан икки баравар нархда белгиланади. Белгиланган баҳосини аниқлаб бўлмайдиган китоблар аҳолидан комиссияга қабул қилинади ва баҳоланади.

Комиссия «Знамя», «Роман газета», «Иностранная литература», «Вокруг света», «Новий мир» ва бошқа журналларнинг тўла комплектини қабул қилади.

«ВОЕННАЯ КНИГА» БОШМА БОШ КИТОБ АЛМАШТИРАДИ

Харидорлар топширган бадиий асарлари ва болалар китоблари ўрнига кўплаб талаб қилинадиган китоблар олишлари мумкин. Кўплаб талаб қилинадиган китоблар топширилган китоблар суммасининг 30 процанти размерида сотилади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Ўз шахсий кутубхонангизни диққат билан кўздан кечиринг ва Сизга бошқа зарурати бўлмаган нашрларни «Военная книга» магазинига топширинг.

Китоб топшираётганда ўзингиз билан паспорт ёки унинг ўрнида ўтадиган ҳужжат бўлиши керак.

Китобга янги ҳаёт бахш этайлик!

Аҳолидан китоб харид қиладиган магазинлар адреси:

Ленин проспекти, 40-уй. Қабул соатлари — соат 10.00 дан 18.00 гача. Танаффус — соат 14.00 дан 15.00 гача. Телефонлар: 56-50-35, 56-29-93. Дам олиш кунлари— якшанба, душанба;

— Луначарское шоссе, 61-уй (радиотоварлар магазинида). Иш соатлари— соат 10.00 дан 19.00 гача. Танаффус — соат 14.00 дан 15.00 гача. Қабул куни— сешанба. Телефон 66-13-20.

Харид суммалари ҳамма бўлимлар томонидан шанба кунлари тўланади.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

3 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.20 «Горчичилар, қаердасиз!» 17.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Финал ўйинлари. Прагадан олиб кўрсатилади. 18.30 «Овозлар ва бўёқлар». Фильм-концерт. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор!». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Белоруссия Давлат консерваторияси цимбалчилар ансамблининг концерти. Минскдан олиб кўрсатилади. 20.00 «Штраус оиласи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. Буюк Британия телевидениесининг маҳсулоти. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Торпедо». 2-тайм. Тбилисидан олиб кўрсатилади. «Спартак» — «Шахтёр». 2-тайм. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 Н. Мясковский. 27-симфония. ССР Иттифоқи Давлат академик симфоник оркестри ижро этади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.05 «Яшил аланга». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Петя Марсда». Мультфильм. 18.30 «Ота-оналар университети» (такрорий). 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — АСК (Ростов Дон). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.). 20.45 «Ахборот». 21.05 «Бизе музикасига ёзилган балетлардан вариациялар», «Жизель» балетидан саҳналар». Фильм-концертлар. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Ўзбекистон. 1981 йил қўшиқлари». Эстрада программаси. 2-бўлим. 23.20 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильмлар: «Мюнхаузен саргузаштлари», «Мовий кўзли девор». 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Паркент райони чорвадорлари ҳузурида». 20.50 Реклама. 21.05 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

4 ИЮНЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Штраус оиласи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. Буюк Британия телевидениесининг маҳсулоти. 11.35 «Ҳайвонот оламида». 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма: «Келажак билан учрашув», «Единецк агрокомплекси», «Эртанги кун ташвишлари».16.25 Болалар учун. «Тимур ва унинг командаси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.30 «Шахмат мактаби».

18.00 «Райко» ансамблининг концерти (Венгрия Халқ Республикаси). 18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономикани бошқариш». 19.05 «Лайлак ҳақида эртак». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Штраус оиласи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. Буюк Британия телевидениесининг маҳсулоти. 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти И. Богачёва ҳамда Ленинград телевидениеси ва радиосининг В. Андреев номли рус халқ оркестрининг концерти. Дирижёр— В. Попов. 23.15 «Дунё воқеалари», 23.30 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Финал ўйинлари. Прагадан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

II. Ф. БОРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

1981—1982 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича ўрта медицина ходимларини тайёрлайди: АКУШЕР, УМУМИЙ ПРОФИЛДАГИ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ ВА БОЛАЛАР ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИНИНГ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ.

Билим юртига Тошкент шаҳрида яшовчи, саккизинчи синф ҳажмида ёки ўрта маълумотли; 30 ёшгача бўлган хотин-қизларни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга қабул қилади.

Ўқиш муддати: саккизинчи синф ҳажмида маълумот билан —умумий профилдаги медицина ҳамшираси ва болалар даволаш-профилактика муассасаларининг медицина ҳамшираси — 2 йилу 10 ой, 10 синф ҳажмида маълумот билан —акушер— 2 йилу 6 ой; умумий профилдаги медицина ҳамшираси ва болалар профилактика муассасаларининг медицина ҳамширалари — бир йилу 10 ой.

ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗА ДИРЕКТОР НОМИГА ЁЗИЛАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: саккизинчи синф ёки ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома (асли), мактаб врачи ёки турар-жой бўйича даволаш-профилактика муассасаси берган (286-форма) медицина справкаси; меҳнат дафтарчасидан кўчирма (тасдиқланган), 4 та фотосурат (3х4 см.).

Аризалар қуйидаги тартибда қабул қилинади: 8-синф ҳажмида маълумотлилардан 31 июлгача, 10-синф ҳажмида маълумотлилардан 14 августгача.

Кирувчилар қуйидаги кириш имтиҳонларини топширадилар: саккизинчи синф ҳажмида маълумотлилар: ОНА ТИЛИ (диктант), МАТЕМАТИКА (оғзаки), **—1 дан 20 августгача; 10 синф ҳажмида маълумотлилар:** ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ (иншо), ХИМИЯ (оғзаки) **—1 августдан 21 августгача.**

ЎҚУВЧИЛАР САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ —21 АВГУСТДАН 25 АВГУСТГАЧА.

Адрес: Тошкент шаҳри, 15-алоқа бўлими, Ремесленная кўчаси, 8-уй (1, 2, 3, 4, 5, 12, 13, 14, 22, 25, 28-трамвайларнинг «Санъат музейи» ёки «Куйбишев кўчаси» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

129-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—1982 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОШПАЗ (чет эл таомларини тайёрлашни ўргатиш билан), ОФИЦИАНТ (чет тилини ўргатиш билан), ҚАНДОЛАТЧИ. **Ўқиш муддати — 2 йил** (10 синф ҳажмида маълумотлилар); ОШПАЗЛИК, ҚАДОЛАТЧИЛИК. **Ўқиш муддати — 3 йил** (8 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар); САНОАТ ТОВАРЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ СОТУВЧИ. **Ўқиш муддати— 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун 1 йил ва 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 3 йил.**

Ўрта маълумотлиларга 30 сўм стипендия тўланади. 8 синф ҳажмида маълумоти бўлган ўқувчилар озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, билим юртини тамомлагандан сўнг ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар.

Билим юртини тамомлаганлар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР территориясидаги интуристларга хизмат кўрсатувчи корхоналарда, республика Савдо министрлигининг корхоналарида ишлайдилар.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Билим юртига киришни хоҳлаганлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: автобиография, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, характеристика, маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), 6 та фотосурат (3х4 см ҳажмида), ариза.

МАШҒУЛОТЛАР— 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, Д—2. Аҳмад Дониш кўчаси, 22-уй (51, 72, 60, 48, 24, 107, 108-автобуслар; 25, 28, 29-трамвайларнинг «Д—2» бекати). Телефон 24-78-00.



ГУМ ЧОРЛАЙДИ

Ёз фасли ҳамиша талай буюмларни сотиб олиш билан боғлиқ. Биз бу фаслда меҳнат отпускасига чиқиб дам оламиз, кузги мавсумда кийиладиган либосларни тайёрлаб қўйиш ҳаракатига тушамиз.

Отпускага чиқиб кетиш олдидан иссиқ кунларга мос келадиган енгил, янги кийимларни тайёрлаймиз, бундан ташқари ёзда ҳам трикотаж жемпер, доимий костюмга зарурат туғилиб қолишини унутмаймиз.

ҲУРМАТЛИ ҲАРИДОРЛАР!

Сиз Бош универсаль магазинининг «тайёр кийимлар» секциясида Тошкентдаги Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида эркаклар учун тайёрланган костюмлар ва пиджакларни сотиб олишингиз мумкин.

Бу кийимлар жун, лавсан аралашган жун, кримплендан бичиқчиликнинг модали деталлари — қопқоқли ҳамёнлар, кўкракбурма, безакли чок ишлатиб тикилган ва улар шубҳасиз сизнинг диққатингизни жалб этади.

Бундан ташқари Сиз бу ерда чет эллар (ГДР, Венгрия, Руминия, Чехословакия)дан келтирилган эркаклар костюмларини ҳам сотиб оласиз.

Хотин-қизлар учун эса табиий ва сунъий шойи, шифон, хон атлас, акрил газламаси, кримплендан тикилган кўйлакларни тавсия қиламиз.

Плашчбоп газламадан «сафари» типида калта енгли қилиб тикилган кўйлаклар белга ёпишиб туради, қирқма ҳамёнлар ва белбоғли кўйлаклар, қизғиш тусли, замш безакли ва белбоғли кўйлаклар, бундан ташқари, гулли трикотиндан биқини бўйлаб бичиқ чокли ва чокига ўйма қилиб киритилган ҳамёнли, гипюрдан тикилган тўй-ҳашам ва оқшомбоп кўйлаклар харидорларга манзур бўлиши турган гап.

ГУМ.

СОҒЛОМ БЎЛИБ ЎСГИН, ЭРКАТОЙ!

Сизнинг хонадонингизда эркатой дунёга келди. Бу чақалоқ бахтли, қутли, қувончли келди. Хонадон файзли, ғамхўрликларга бой бўлди. Ахир, мурғак инсонга кийим-кечак, алоҳида каравотча, сайр эттириш учун коляска деган буюмларни муҳайё этиш керак.

Чақалоқнинг соғ-саломат ва бардам-бақувват бўлиб ўсиши учун унинг баркамол овқатланиши ҳам керак. Мурғак чақалоқлар учун энг муносиб озуқа бу кўкрак сутидир. Агарда бу етарли бўлмаса нима қилмоқ керак.

Олий навли сигир сутига қаймоқ, ўсимлик мойи, парҳез уни ва қанд, шунингдек витамин ва минерал тузлар қўшиб аралаштириб тайёрланадиган «МАЛИШ» махсус қоришмаси ўзининг тўйимлилиги билан кўкрак сутига яқин туради.

«МАЛИШ» қоришмаси бир ойликдан бир ёшгача бўлган чақалоқларни овқатлантириш учун тавсия этилади. Бу қоришма гуруч, гречиха, сули уни аралаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилади.

БИР НЕЧА ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР!

Жуда муҳим— дастлабки маслаҳат. Қутичада ёзиб кўрсатилган рецепт бўйича қоришмани тайёрлаш усулларига аниқ риоя қилинг. Айрим оналар ёки бувилар кострюлкага қоришмани бир оз кўпроқ солиб юборадилар. Улар чақалоқ таоми ширинроқ ва тўйимли бўлсин деб шундай қиладилар. Концентрациянинг ошириб юборилиши чақалоқда модда алмашувини бузиб юборишини унутманг.

Бир мунча муҳим— иккинчи маслаҳат. Врачнинг маслаҳатисиз чақалоққа балиқ мойи ёки витаминли препаратларни бериб бўлмайди. Чунки бу моддалар «Малиш» қоришмасига қўшилган бўлади.

Учинчи маслаҳат. Болани сунъий боқилаётганида икки ойлигидан бошлаб унга кефир ичира бошлаш мумкин. Бунда аввалига бир марта овқат берилганидан сўнг, кейинчалик эса икки бор тўйдирилганидан кейин алмаштириб бориш лозим. Чақалоқ бир ойлигидаёқ шарбат бериб боқишни бошлаш керак. Бунда бир неча томчи шарбат ичириш, секин-аста меъёрни ошириб бориш зарур.

Чақалоқни дастлабки тўрт ойлигида бир суткада олти марта овқатлантириш керак. Бешинчи ойлигидан бошлаб эса беш марта овқатлантиришга ўтиш ва бу тартибни чақалоқ бир ёшли бўлгунгача давом эттириш лозим.

Сўнгги маслаҳат. Болани сунъий овқатлантиришда айниқса таомни тайёрлашда тозалик қоидаларига риоя қилиш керак: шишачалар ва сўргичларни яхшилаб ювиш ва қайнатиш, уларни доимо тоза идишда сақлаш керак.

«МАЛИШ» қоришмаси билан чақалоқларни боқишнинг кузатилган натижалари шуни кўрсатдики, бу ноз-неъмат чиндан ҳам юқори сифатли, тўйимлилиги билан кўкрак сутидан қолишмайди.

«МАЛИШ» қоришмаси озиқ-овқат магазинларининг суткатиқ ва баққоллик бўлимларида сотилмоқда.

«УЗМЯСОМОЛТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

Тошкент область Оржоникидзе районидаги 32-ўрта мактаб томонидан **Маҳнамова Ойдин** номига берилган 015711 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар медицина билим юрти томонидан **Баниева Назира Камиловна** номига берилган 147256 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар М. Уйғур номидаги 22-ўрта мактаб томонидан **Жамолов Нурилла** номига берилган 912709 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Октябрь райпищсаноати коллективи торг ходими М. Тошпўлатовга ўғли

Маъмур Маҳмудович ТОШПЎЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

3 ИЮНЬ, 1981 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—07169. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64581. В—2137.